

ДАЛА ДЕҲҚОНЧИЛИГИ МЕҲНАТИ ГИГИЕНАСИ

Қосимов X.O.,

Абу Али Сино номли Бухора давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Ушбу мақолада дала деҳқончилиги шароитида ишчиларнинг меҳнатини гигиеник баҳолаш мезонларини ўрганиши мақсад қилиб қўйилган. Дала деҳқончилиги шароитида ишчиларга, оғир жисмоний меҳнат чанг, шовқин, тебраниш, ис гази, ёзда қуёш нури, куз-қиши мавсумида совуқ ҳарорат, минерал ўғитлар ва пестицидларнинг буғ ва газлар каби ишлаб чиқариши омиллари таъсири этиши мумкин. Шунинг учун дала деҳқончилигидаги ишчиларнинг меҳнат шароитлари санитария назорати ишлаб чиқариш жараёни хусусиятлари ва омилларини хисобга олган холда ўтказилиши талаб этилади.

Калим сўзлар: Гигиеник талаб, иш шароити, ишлаб чиқариш омиллари, қўл меҳнати

ГИГИЕНА ТРУДА В ПОЛЕВОДСТВЕ

Касимов X.O.,

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино.

✓ *Резюме,*

В данной статье цели изучения является гигиеническая оценка условий труда работников занятых в полеводстве.

Установлено, что в условиях полеводства на рабочих могут оказывать воздействие такие производственные факторы как высокая физическая нагрузка, запылленность, шум, вибрация, окиси, углерода, инсоляция в летнее время, относительно низкая температура в осенне-зимний период, пары и газы минеральных удобрений и пестицидов. В связи с этим санитарный надзор за условиями труда рабочих, занятых с полеводством должен проводиться с учетом специфических особенностей его технологии и производственных факторов.

Ключевые слова: Гигиенические требования, условия труда, производственные факторы, ручной труд.

FIELD HYGIENE

Kasimov H.O.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Sina
200101, Uzbekistan, Bukhara city, 1 Navai Avenue stride <http://bsmi.uz>.

✓ *Resume,*

In this article, the goal of the study is a hygienic assessment of the working conditions of field workers.

It has been established that in crop production conditions, workers may be affected by such factors as high physical activity, dustiness, noise, vibration, oxides, carbon, insolation in the summer, relatively low temperatures in the autumn-winter period, vapors and gases of mineral fertilizers and pesticides . B. In connection with this, sanitary supervision of the working conditions of workers engaged in field cultivation should be carried out taking into account the specific features of its technology and production factors.

Keywords: hygiene requirements working condition production factors, manuk labor

Долзарблиги

Дала деҳқончилиги меҳнат шароити қишлоқ хўжалиги ишларининг механизациялашганлиги, ўсимликларни парваришлашда техникаларнинг ишлатилиши ва унинг технологияси хамда иш жарайини ташкил этилганлик даражаси билан узвий боғлиқдир. Ўсимликшуносликни механизациялашнинг асосини барча агротехник тадбирларни амалга оширишда мобил техникаларни қўллаш ташкил этади. (5).

Бизнинг Республикада кейинги йилларда юқори даражада техник жihatидан такомиллашган қишлоқ хўжалиги техникаларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилган. Шу жумладан, қишлоқ хўжалигига юқори унумга эга бўлган техникаларни кириб келганлиги фикримизнинг яққоли исботидир. Булар жумласига T-70-60, Арион 630, Арион 850, Пума-310, MX-240, MX-255, Максум, Магнум, Валтра ва хоказоларни мисол келтириш мумкин.

Юқорида номлари келтирилган тракторлар кабиналари 2 дан 3.5м3ни ташкил этади. Магнум, Арион 630, 850 тракторлари кабиналари икки кишига мўлжалланган. Бу ўз навбатида агрегатни бошқариш ва йўл транспорти ҳаракатида қулайлик туғдиради.

T-70-60, Арион 630,650, Максум, Валтра, MX-240, 255 тракторларининг кабиналари иситгич-хаво алмаштиргич системалари, ўтиргич, кийим илдиргич, дори қуттиси, ойна тозалагич, ичимлик суви сақлайдиган жихозлар билан таъминланган. Кабинага кириш учун қулайлик яратиш мақсадида уларнинг бошқариш системаси (рул) орқа, олдин, ёнга силжитиш ускунаси билан жихозланган. Бу эса ўз навбатида хохишига биноан ишчи қоматини бир неча маротаба ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

Тракторлар кабиналарида ўрнатилган ўтиргичлар ишчи ўринларининг асосини ташкил этади. Саноат даражасида ишлаб чиқариладиган бундай техникалар ўтиргичлари, бошқарув тизими ва назорат механизми билан жихозланган кабиналар билан таъминланган.

Барча қишлоқ хұжалиги техникаларда кабиналар двигательнинг орқасида жойлашган бўлиб, уларни бошқаришда айрим қийинчиликларга дуч келинади. Бундан ташқари кабина олдида жойлашган двигатель юқори даражадаги иссиқлик, шовқин ва тебранишнинг манбай бўлиб, механизаторлар ишлаш шароитини ёмонлаштиради. Тракторлар кабиналарининг кўпчилик қисми ойналаштирилган ва айрим техникалар кабинасининг пастки қисмидаги қатор ораларда ишлаш жараёнини назорат қилиш ва гидравликлар ишлашини кузатиш мақсадида кўшимча ойналар ўрнатилган. Аммо кабиналарни ҳаддан ташқари ойналар билан қоплаш қўёш радиациясидан иссиқ ҳавони кириб келишига имкон яратади. (10,15,21,24).

Ўтиргичлар тананинг узунлиги ва ишчи ҳолатнинг ўзгартириш имкони билан боғлиқ. Ўтиргични механизатор бўйи ва вазнига мослаштириш учун улар бошқариш механизми билан жиҳозланган. Бўйи паст механизаторлар ўтиргичларни педал ёрдамида пасайтирадилар ва орқага сўрадилар.

Ўтиргичда ўрнатилган маҳсус мослама ёрдамида механизаторлар вақти вақти билан ишчи ҳолатини ўзгартирадилар ва бу ўз навбатида механизаторларнинг хиссияти ва иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. (13,17).

Айрим қишлоқ хұжалиги техникаларда ўтиргичлар белгиланган стандартларга тўғри келмайди. Масалан МТ380, 82, Т-28М, Т-4 тракторлари ўтиргичларнинг хажми кичик, улар суюнчиқлари паст. Бундай ўтиргич бошқарилмайди. Натижада бундай ҳолат механизаторларнинг тез толиқишига олиб келади. (7,9,19).

Механизаторлар иш жараёнини ўтирган ҳолатда бошқарадилар. Ишчи ҳолатнинг меъёрги мөхнат фаолиятининг самараси ва механизаторлар соғлигига ижобий таъсир этади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги замон қишлоқ хұжалиги техникаларини такомиллаштириш, ишчи ўринларида механизаторлар учун тегишли шароит яратиш, ўтиргичлар ва бошқарув механизмларини мувофиқ ҳолда ўрнатиш ва техникаларни автоматик ҳолда бошқарыш механизмини жорий қилиш мухим аҳамият касб этади.

Ишнинг мақсади: Дала деҳқончилиги шароитида пайдо бўладиган ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг дала мөхнаткашларига таъсирини гигиеник баҳолаш ва ушбу омиллардан ишчилар организмини мухофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишидан иборат.

Материал ва усуслари

Ушбу илмий текширишга асосий обьект қилиб пахтачилик билан шуғулланадиган ишчилар мөхнат шароити, уларни қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришнинг номувофиқ омилларидан мухофаза қилиш тадбирларини илмий жиҳатдан асослаши масаласи олинди. Текширишнинг асосини дала деҳқончилиги шароитида ишчи ўринларида пайдо бўлиши мумкин бўлган кимёвий, физикавий, биологик омиллар, иш жараёнининг оғирлиги ва жадаллик даражаси ҳамда уларни ишчилар иш қобилиятига ва соғлигига таъсирни ташкил этди.

Дала мөхнаткашларининг иш шароити йилнинг барча фаслларида (баҳор, ёз, куз, қиши) ўрганилди. Бутун иш куни давомида ишчилар ўринларида микроиқлим, параметри, чанглик, газлар ҳамда ҳаво мухитини микрорганизмлар билан ифлосланиш даражаси, шовқин, тебраниш омиллари ўрганилди.

Натижва таҳлиллар

Дала деҳқончилиги мөхнат шароити қишлоқ хұжалиги ишларини механизациялашганлиги, ўсимликларни парваришилашда техникаларни ишлатилиши ва унинг технологияси ҳамда иш жараёнини ташкил этганлик даражаси билан узвий боғлиқдир. Ўсимликларни парваришилашнинг механизациялашганлигининг асосини барча агротехник тадбирларни амалга оширишда мобил техникаларни қўллаш ташкил этади. (5,6,21).

Бизнинг Республикаимизда кейинги йилларда юқори даражада техник жиҳатидан такомиллашган қишлоқ хұжалиги техникаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Қишлоқ хұжалиги техникаларининг кабиналари механизаторларни оби-ҳаво таъсиридан бевосита мухофаза қилиш, ишчи ўринларида мўътадил микроиқлимни яратишга мўлжалланган. Табиийки, метал кабиналарни мос равишда изоляция қилмасдан механизаторларни юқори даражадаги иссиқлик ёки совуқ ҳаводан мухофаза қилиб бўлмайди.

Тракторлар кабиналаридаги иссиқлик манбалари қўйидагилар: қўёш радиацияси (70-80%), двигателлар (8-15%), механизаторлар (10-15%) ва бошқа механизмлар (3-8%).

Бизлар томонимиздан олиб борилган текширишлар шуну кўрсатадики, иссиқликдан ҳимоя қилиш қатлами бўлмаган техникалар кабиналаридаги йилнинг иссиқ фаслида ҳаво ҳароратининг ниҳоят даражада юқорилиги кузатилди (жадвал 1).

1 жадвал

Айрим қишлоқ хұжалиги техникалари кабиналаридаги ҳарорат таснифи

Техникалар русусмлари	Ташки ҳаво ҳарорати, градус	Кабиналарда ҳарорат, градус
МТ3-80	40-45	45-55
Т-28	40-45	50-54
Т-4	40-45	52-57
Т-40	40-45	55-58
ХТЗ-80	40-45	45-48

Кабиналар ҳароратининг юқорилиги сабабли механизаторлар тракторлар эшиги ва ойналарини очишига мажбурдирлар. Бу ҳолат ўз навбатида кабиналарда чанглик даражасининг ошиби кетишига олиб келади.

Саноат асосида ишлаб чиқарилган техникаларда бугунги кунда иссиқликдан ҳимоя қилиш барча чора-

лари кўрилган. Уларнинг кабиналари очиқ бўёқ билан бўялган картон билан қопланган ва улар кўёш радиациясидан ҳимоя қиласди.

Шунингдек, ушбу техникаларнинг кабиналаридаги кондиционерлар ўрнатилган. Ойналари қорамтири бўёқлар билан қопланган. Булар ўз навбатида кабиналарда

мўътадил микроиқлимни таъминлайди ва механизаторларни кўёш нуридан ҳимоя қиласди (2 жадвал).

2 жадвал

**Саноат асосида ишлаб чиқилган техникалар кабиналари юзалари ҳароратининг таснифи
(ташқи ҳарорат 38-45с).**

Техникалар русумлари	Ҳарорат °C			
	пол	шифт	Олдинги қисми	Эшик
T-70-60	45.1	35.2	44.3	36.2
Арион630	40.2	31.4	41.4	37.7
Арион850	36.3	36.1	39.1	36.3
Рима	39.4	37.5	38.2	35.4
Магнум	38.4	34.5	35.3	33.7
MX	40.2	37.2	36.2	33.9
Максум	41.3	37.9	36.4	34.1

Демак, кабиналарнинг ташқи юзасининг ҳарорати кўпчилик холатларда кабина ичи ҳарорати билан боғлиқ аммо, двигателнинг ишлашиши ва ундан хосил бўладиган ҳарорат туфайли пол юзасининг ҳарорати бошқа қисмларга қараганда юқоридир.

Саноат асосида ишлаб чиқилган ва кондиционерлар билан таъминланган қишлоқ хўжалиги техникалари кабиналарида микроиқлим ташқи метафалогик шароит билан боғлиқдир (3 жадвал).

3 жадвал

Кондиционерлар билан жихозланган техникалар кабиналари микроиқлимнинг ташқи метафорологик шароит билан боғлиқлиги

Техниаклар русумлари	Ташқи мебеллар шароити			Кондиционер ишлаб турган кабиналар		
	Ҳаво харорати	Намлик %	Ҳаво харорати	ҳарорат	намлик	Ҳаво харорати
T-70-60	35.1-37.2	40-48	1.8-1.9	23.0-25.0	50-60	1.2-1.3
Арион630	35.4-37.3	41-47	1.7-1.8	25.1-26.0	51-62	1.1-1.2
Арион850	36.7-37.0	42-44	1.0-1.5	26.1-27.2	556-60	1.1-1.2
Рима	36.1-37.1	41-44	1.1-1.3	26.7-27.0	56-61	1.0-1.2
Магнум	35.8-36.2	40,2-41.2	1.0-1.1	24.0-24.2	55-62	1.1-1.4
MX	37.7-38.3	40-42	1.7-1.8	26.1-27.2	55-62	1.9-2.1
Максум	37.4-38.2	41-42.1	1.0-1.3	27.3-28.0	52-58	1.3-1.6

Тракторлар кабиналарига кондиционер учун хаво бериш маҳсус резин мослама ёрдамида тепадан берилади. Бу холат хавони кабинага бир текис беришни таъминламайди. Натижада механизатор тананинг очиқ қисмини совуб кетишига олиб келиши мумкин (4,5,6).

Тракторлар кабиналарини иссиқлик билан таъминлаш учун маҳсус мосламалар ёки кондиционерлардан фойдаланилади. Кабиналарни иситиш кўпчилик холатларда тракторлар двигателлари ёки иссиқлик таъминловчи сифатида сувдан фойланилади (MX, Арион 630,850, Магнум).

Қишининг совук кунларидаги (ташқи ҳарорат -5-10°C) MX, Магнум, Арион 630,850 тракторлари кабиналарида ҳарорат +15 +20с ни ташкил этади. Юқорида номлари келтирилган усулда кабиналарни иситишнинг камчилиги шундаки, иссиқлик даражасини бошқаришнинг иложи йўқ. Бундан ташқари иссиқликни юқоридан берилганлиги сабабли кабинада иссиқлик бир хилда тарқалмайди (23,33,35).

Қишлоқ хўжалиги машиналари кабиналарида микроиқлим шароитини яхшилаш учун техник воситаларидан яна хаво алмаштиргичлардан, қиши пайтида сунъий иссиқлик бериш воситаларидан фойдаланилади. Иссиқликдаги ҳимоя қилиш мақсадида кўпчилик холатларда нур ўтказмайдиган экранлар, айвончалар, ҳимояловчи шишалардан фойдаланиш

мумкин. Иssiқликдан ҳимояловчи экран сифатида очиқ рангда бўялган, метал экран ўрнатиш кўпроқ самара беради. Кабина полини резин қолинча билан қоплаш двигателдан келгунча иссиқликдан ҳимоя қиласди. Трактор кабинасига сунъий хаво алмаштиргич ўрнатиш иссиқликдан ҳимоя қилишнинг самарали усулидир. Олимларнинг текшириши шуни кўрсатадики, кабина ичига 2.2 м/сек тезлиқда ҳаво юборилганда ташқи ҳарорати 35-40с бўлганда ҳам, кабинада 20.25с ҳарорат таъминланган (12, 23, 27).

Трактористларни иссиқликдан ҳимоя қилишни яна бир воситаси бу иш ва дам олиш тартибини тўғри ташкил этишдир. Бизнинг иссиқ, иқлим шароитида ишни эрталаб соат 5:30 да бошлаб, соат 11:00 гача ва 16:00дан бошлаб, 20:00 гача давом этиришидир. Шунинг билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ходимларини пахта толасидан тўқилган ишчи кийимлар билан таъминлаш катта ахамият касб этади.

Бундай мато ўзиға терни шимиб олади, хавони яхши ўзказади ва тез курийди.

Ишчиларни иссиқликдан ҳимоя қилишда ичимлик тартибини тўғри ташкил этиш муҳимдир. Бунинг учун ишчиларга кўк чой, турли дамламалар, витаминларга (A,B, PP,C) бойитилган суюқликлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Булар билан бир қаторда организмни ишдан ташқари турли жисмоний машқлар билан чиниқтиришdir (12,13,14).

Қишлоқ хўжалиги техникалари механизаторлари организмига таъсир этиши мумкин бўлган омиллардан бири чангликдир. Тракторлар кабиналарига чангларни герметик бўлмаган кабиналари поллари, дера-зали, эшиклари хамда техник носоз ҳаво алмаштиргичлар орқали киради. Кабиналарга кирадиган чанглар миқдори 40-45 мг/м³ни ташкил этиб, белгиланган меъёрдан 7-8 баробар зиётдир.

Чанглар техника кабиналарига тушгандан кейин улар турли бурчакларда тўпланадилар ва трактор ха-

ракати натижасида пайдо бўладиган тебраниш натижасида механизаторлар нафас аъзолари атрофида катта концентрацияда тўпланади (ХТЗ 80, МТЗ 80, 82, Т-28).

Ўтказилган лаборатория текширишларида ерларни шудгор қилиш, текислаш, барона қилиш жараёнида ХТЗ-80, МТЗ-80, 82, Т-28 кабиналаридаги чанглар миқдори 40-45 мг/м³ни ташкил этиб, белгиланган меъёрдан 7-8 баробар зиётдир.

Аммо текширилган Арион 630, 850, Магнум, МХ техникалари кабиналарининг герметиклиги, кондиционерлар билан таъминланганлиги эвазига улар кабиналаридаги чанглар концентрацияси 10-12 мг/м³ни ташкил этади (4 жадвал).

4 жадвал

Айрим техниаклар кабиналаридаги чанглар миқдорининг кўрсатгичлари

Техникалар русумлари	Ташки ҳавода чанг миқдори	Кабиналарда чанг миқдори мг/м ³
МТЗ 80	50-55	40-42
МТЗХ 82	60-62	45-48
Т 28	54-61	42-46
Арион 630	60-65	10-15
Арион 850	58-64	8-12
Магнум	60-62	12-14
МХ	50-54	9-12

Барча механизациялашган қишлоқ хўжалиги ишларини ишчилар ўринларидаги чанг миқдорининг даражаси асосида 3 та гурухга ажратдик:

- Биринчи гурух ишлари жараённида чангланиш даражаси юқори (54-62 мг/м³). Бу гурух чанг хосил құлувчиларига ХТЗ 80, МТЗ 80, МТЗ 82, Т-28, Арион 630, Арион 850, Магнум тракторлари ер хайдаш, бир текислаш, бирона қилишда ҳосил қыладиган чанглари киради.

- Иккинчи гурух ишлари жараённида чангланиш даражаси ўртача (38-38 мг/м³). Бу гурух чанг хосил құлувчиларига сабзавот, гўза қатор ораларига ХТЗ 80, МТЗ 80, МТЗ 85, Т-28 тракторлари билан ишлов беришдан ҳосил бўладиган чанглар киради.

- Учинчи гурух ишлари жараённида чангланиш даражаси паст (20-25 мг/м³). Бу гурух чанг хосил құлувчиларига транспорт вазифасини бажарувчи Т-40, МХ, Магнум, Белорус 1221, ТТЗ-80, 10, МТЗ-52 тракторлари киради.

Механизаторларнинг ишчи ўринларидаги чанглар миқдори иш куни давомида ўзгарувчан бўлади. Техникаларнинг шамол йўналига қарши ҳаракатланиш жараённида чангланиш даражаси паст, шамол йўналиши бўйлаб ҳаракатланганда уларнинг миқдори бир неча маротаба юқори бўлади. Шунинг билан бир қаторда механизаторлар ишчи ўринларидаги пайдо бўладиган чанглар миқдори ишлов бериладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари ва ҳаво ёғингарчилик даражасига боғлиқдир (1,5,12,13,14).

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги агротехникасида турли русумда (эски русумдаги Т-28, МТЗ 80, МТЗ 85)ги техникаларини ишлатиш натижасида механизаторлар ишчи ўринларидаги чанглар пайдо бўлиб, улар организмида патологик жараёнларни, шахсан қасб қасалликларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин (7,8,12,15).

Чанглар қишлоқ хўжалиги ходимлари соглигига йил давомида таъсир этиши мумкин. Чанглар ишчилар на-

фас аъзолари орқали кириб, бронхитлар, пневмокониоз қасалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерларини экишга тайёрлаш, улар орасига ишлов бериш, ўсимлик қолдиқларини йиғишида дала меҳнаткашлари организмга тупроқ ва ўсимлик чанглари таъсир этади.

Қишлоқ хўжалиги ходимларини ишлаб чиқариш агротехникасида асосида пайдо бўладиган чанглардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги агротехникини бошқаришининг механизациялашган, автомазациялашган усулини жорий этиши ишчилар ишчи ўрнида чанглар миқдорини камайтиришнинг асосини ташкил этади. Тракторлар кабиналари герметиклигини таъминлаш, уларда ҳимоя фильтрлари орқали ҳаво берадиган ва ҳавони чиқарадиган механизларни ўрнатиш техникалар кабиналаридаги чанглар миқдорини камайтиришга ёрдам беради.

Юқори чангланиш шароитида ишлайдиган ишчиларни маҳсус кийимлар ва нафас аъзоларини шахсий ҳимоялаш воситалари билан таъминлаш юқори самара беради. Шахсий ҳимоя воситаларига чангга карши респираторлар: "Лепесток-200", "Лепесток-40", "Лепесток -5", "ф-62м", "ф-46ас", "у-2к", "астра-2" киради.

Пневмокониозларнинг олдини олишда ишчилар организмининг қаршилик кучини кўтариш алоҳида аҳамият қасб этади. Бундай тадбирлар қаторига организмга ультрабинафша нурлар бериш катта аҳамиятга эга. Ультрабинафша нурлар ўпкада склеротик жараёнларнинг пайдо бўлишини секинлаштиради. Булар билан бир қаторда нафас аъзоларига ишқорий ингаляция қилиш пневмокониозларни камайтиришга ёрдам беради. Ишчиларни оқсилиларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари (айниқса метионинга бой) билан таъминлаш пневмакониозларнинг олдини олишда муҳим аҳамият қасб этади.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг харакати жараённида ишчилар ўринларida шовқин пайдо бўлади.



Техникаларнинг шовқин ҳосил қилиш даражаси дивегателнинг қучига бажариладиган ишнинг оғир ёки енгиллигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлашидан пайдо бўладиган шовқинлар келиб чиқишига қараб механик ва аэродинамик бўлади.

Механик шовқинлар техникаларнинг харакат қисмлари деталларнинг техник носозлиги туфайли бирбирига урилишидан пайдо бўлади.

Аэродинамик шовқинлар двигателларнинг ишлаши (ёқилғи ёниши, клапинларнинг ишлаши) жараёнида пайдо бўлади. Техникалар кабиналарига шовқин

икки йўл билан киради: -метал конструкциялар ва ҳаво орқали. Техникалар кабиналарининг ўзи ҳам шовқин ҳосил қилувчи манба бўлиши мумкин. Кабиналар қисмларининг шовқин ҳосил қилишига ҳиссаси қўйида-гича: шифти, орқа девори, ён девори, олдинги девори ва поли (16,17,21,22).

Техникалар двигателига бериладиган босим шовқиннинг даражасига таъсир этади. Техникалар кабиналарига тарқаладиган шовқиннинг даражаси қишлоқ хўжалиги техникаларининг русумларига бевосита боғлиқдир (5-жадвал).

Жадвал 5

Турли русумдаги техникалар кабиналарида шовқин энергиясининг даражаси

Техникалар русумлари	Шовқин энергияси даражаси дб
МТЗ-80	100-150
МТЗ-82	103-140
Т-28	95-150
Арион-650	80-95
Арионг-850	85-92
Магнум	95-100
MX	85-95

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ишлар ўринларидаги шовқин энергиясининг даражаси техникалар двигателлари ва кабиналарнинг техник такомиллашганлик даражасига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги техникалари кабиналаридаги шовқиннинг жадаллиги ишчи ўринларida рухсат этилган шовқин даражасини санитария меъёрлари 0031-94 сонли Сан ҚиМ асосида баҳоланади. Қишлоқ хўжалиги техникаларда шовқин даражасини камайтириш тадбирларни амалга оишриш техникалар бошқарувчилари организмига уларнинг салбий таъсирини камайтиришнинг асосини ташкил этади. Техникалар двигателлари билан кабиналар ўтасида резин қоплами ўрнатиш шовқин даражасини камайтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, техникалар двигателлари ва конструкцияларини ўз вақтида техник профилактик таъмирлаш, талаб этиладиган қисмларини ўз вақтида мойлаш шовқинларни камайтиришга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалиги техникалари хайдовчиларини йилига бир маротаба терапевт, невропатолог, отоларинголог мутахассислигидаги тиббийходимлари ишторикида тиббий кўрикдан ўтказиш ўта муҳимдир. Қишлоқ хўжалиги агротехникии жараёнида механизаторлар организмига тебраниш (вибрация) таъсир этади. Тебраниш тракторист-

лар организмига ўтиргичлар, бошқариш механизмлари (педал, ричаг, рул) орқали таъсир этади (15,16,20,21,25).

Техникаларнинг двигателлари ва ҳаракатланувчи қисмлари қишлоқ хўжалиги машиналарида тебраниши ҳосил қиласи. Техникалар ҳаракатланувчи қисмлари асосан паст частотали умумий тебранишини ҳосил қиласи. Техникалар тезлиги ошган сари ва ёрларнинг нотекислиги тебраниш даражасининг ошишига сабаб бўлади (15,17,21,25).

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг иш жараёнида ишчилар организмига паст частотали (2-5Гц) ва юқори частотали (60-125Гц) тебранишлар таъсир этади (4,5,10,12,14,26).

Шунинг билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқарувчилари организмига ўтиргичларга бериладиган умумий тебранишлар билан бир қаторда кўлга бошқарувчи механизмлари орқали бериладиган тебранишлар ҳам таъсир этади (4,5,6).

Қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳаракати, деталларнинг ҳаракати, айланишидан пайдо бўладиган умумий ва локал тебранишлар Республикаизда қабул қилинган. "Ишчи ўринларида умумий ва локал тебранишларнинг санитария меъёрлари", Сан ҚиМ 0063-96 сонли меъёрларидан ошмаслиги керак (6,7 жадваллар).

6-жадвал

Қишлоқ хўжалиги техникаларида умумий тебранишнинг санитария меъёр кўрсатгичлари (0063-96 сонли Сан ҚиМ)

Ўрта геометрик октава йўналиш частотаси ГЦ	Октава йўналишидаги тебраниш тезлик кўрсатгичи			
	м/с ²		ДБ	
	zo	Xo Yo	zo	Xo Yo
1.0	1.12	0.4	71	62
2.0	0.8	0.4	68	62
4.0	0.56	0.8	65	68
8.0	0.56	1.6	65	74
16.0	1.12	3.15	71	80
31.5	2.24	6.3	77	86
63	4.50	12.50	83	92
Тузатилган ва эквивалент тузатилган кўрсатгич ва уларнинг даражаси	0.56	0.4	65	62

**Локал тебранишнинг санитария мөъёрлари ва мөъёрлаштириш параметрлари
(0063-96 сонли СаН ҚиМ)**

Ўртагеометрик оқтава йўналиш частотаси ГЦ	Рухсат этилган тебраниш тезлик ва тебраниш тезлиги X_0 zo			
	Тебраниш тезланиш		Тебраниш тезлиги	
	м/ с^2	дб	м/ с^2	дб
8	1.1	70	2.0	112
16	1.4	73	1.4	109
31.2	2.7	79	1.4	109
63	5.4	85	1.4	109
125	10.7	91	1.4	109
250	21.3	97	1.4	109
500	42.5	103	1.4	109
1000	85	109	1.4	109
	2.0	76	2.0	112

Бугунги кунда ўтиргичлар орқали бериладиган умумий тебранишларни пасайтириш мақсадида ССБТ, стандарт, тебраниш хавфсизлиги умумий талаблар 12.1.012-90-сонли Давлат стандарти қабул қилингандан. Ушбу давлат стандарти янгидан ихтиро қилинадиган техникалар учун қабул қилингандан. Бу давлат стандарти янгидан конструкция қилинадиган паст ва фаол тебранишдан ҳимоя қилишга мўлжалланган. Трактористларни тебранишдан ҳимояланишининг яна бир йўли уларни турли жисмоний ҳаракатлар билан чиниқтириш, иссиқ маҳсус кийимлар билан таъминлаш, иш ва дам олиш тартибини тўғри ташкил этишдан иборатидир (2,5,6,7,12,14,17).

Куз ва баҳор ойларида ишчи организмининг қаршилик қобилиятини кўтариш мақсадида витамин-профилактика (С, В, РР) тадбирларини шифокор назоратида амала ошириш лозим.

Умумий ва локал тебраниш билан мулоқотда бўлган барча касбдаги ишчилар шахсий ҳимоя воситалари -тебранишга қарши пойабзал ва қўлқоплар билан таъминлаш талаб этилади.

Ишчи ўринларида тебраниш хавфсизлигини таъминлаш 12.1.012-90-сонли давлат стандарти асосида амала оширилади.

Тебранишнинг ишчилар организмига номувофиқ таъсирини камайтиришининг даволаш-профилактик тадбирлари қўйидагилардан иборат:

-Қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқаришга етарли тажрибага эга бўлмаган ва техник минимум топширмаган, дастлабки тиббий кўриклидан ўтмаган, 18 ёшга тўлмаган шахсларга рухсат берилмайди.

-Иш фаолити давомида тебраниш таъсирида бўлган қишлоқ хўжалиги ишчилари Республика соглиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200 сонли бўйруғи асосида йилига бир маротаба тиббий кўриклидан ўтишлари шарт.

-Тебраниш таъсирида ишлашга тиббий қаршилиги бўлган касалликлар қўйидагилардан иборат:

-кўчиб юрувчи эндоартрит, рейно касаллиги, периферик нервлар ангиоспазмаси;

-периферик нерв системасининг сурункали касалликлари;

-вестибуляр аппарати функцияси бузилишининг барча этиологияси, шу жумладан, Меньера касаллиги.

Қишлоқ хўжалиги техникасини бошқарувчилари учун фермер хўжаликларида фаол дам оладиган, овқ-

атланадиган, душ қабул қиласидаган хоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқидир.

Шунингдек, куз, қиши, боҳор ойларида дам олиши учун иситиладиган (30-32С) хоналар ташкил этиши алохиди аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Андреева -Галанин Е.Ц., Артамонова В.Г , Усенко В.Р, Лутай А.В.К вопросу этиологии, ранней диагностики и профилактики, вибрационной болезни у водителей тяжелых машин. В КН: вопросы санитарной охраны внешней среды, гигиени труда и профилактика заболеваний. Л.Медицина, 1990, с 22-24.
2. Бузилев Ю.Г, Буробкин И.Н Животноводческие комплексы: организации труда управление. М.Россельхозиздат, 2003, 199 с.
3. Бегляров Г.А. Биологический метод борьбы с вредителями овощных культур в защищённом грунте. В КН: Защита овощных культур и картофеля от вредителей, болезней и сорняков. М,1978, с 52-64.
4. Балсунова М.Я. Суточные и сезонные изменения регуляция сердечного ритма у механизаторов сельского хозяйства. В КН: Физиология человека, 1998, с 141.
5. Гигиена труда в современном сельском хозяйстве под ред. Я.Б Резника, Кишинёв, Шитница, 2008, 105с.
6. Гигиена труда под ред. Н.Ф. Измерова, О.И.Крилова; Геотар. Медиа, 2008, 584 с.
7. Гигиенической прогнозирование профзаболеваемостей пилевой этиологии в зависимости от пылевой нагрузки (метод рекомендации) Ташкент, 2002, 10с.
8. Искандаров Т.И. Искандарова Г.Т. Методические указания по комплексной оценки новых пестицидов (Мет.указания), Ташкент, 1997, 45с.
9. Елизарова В.В. Изменение некоторых физиологических показателей в зависимости от степени рациональности рабочей позы стоя. Гиг. Труда, 1989, №4, с 47-49
10. Касомов Х.О. Қишлоқ хўжалигига меҳнат гигиенаси муаммолари (Монография), Бухоро, 2020, 123 б.
11. Лабынцев А.В, Гринько В.П. Влияние применения гербицидов на засоренных посевах растения. Известия Оренбургского. Гос. Аграр университета, 2013, 5 (43), с 67-70.
12. Лешенко К.С. Некоторые аспекты профессиональной заболеваемости рабочих сельского хозяйства Белоруссии, Гигиен, 1993, №5, с 57-58.
13. Маленький В.П, Инвалидность сельскохозяйственных механизаторов вследствие заболевания органов дыхания. Врачебное дело, 2005, №9, с 92-94.
14. Мироненко М.А., Рыбин В.В, Польков А.Г, Брюшкова С.А. Гигиенические вопросы районной планировки сельскохозяйственных районов. В.КН: Гигиена населенных мест. Киев, 2005, вып 14, с 22-23.
15. Новакатьян А.О. Лисина Г.Г, Краснюк В.П. Состояние здоровья и функциональные сдвиги у работников ведущих сельскохозяйственных профессий. В.КН: Социальная гигиена,

- Организация здравоохранения, истории медицины. Киев, 2005, вып-7, с75-80.
16. Сорокин Г.П. Различие возрастной и стажевой динамики показателей здоровья работающих-критерий для сравнения профессиональных и непрофессиональных рисков. Гигиена 2016, №4, с 355-362.
 17. Спиранде Л.Л, Ланецкая В.Л, Старожук И.А.О функциональном состоянии вестибулярного анализатора при воздействии низкочастотных колебаний у трактористов. Здравоохранения Казахстана, 1988, №1, с 67-67.
 18. Санитарные нормы допустимых уровней шума на рабочих местах. Сан ПиН № 0031-94, 124с.
 19. Санитарные нормы общей и локальной вибрации на рабочих местах Сан ПиН № 0063-96, 115 с.
 20. Федосеев Г.Б. Герасин В.Н. Хронический бронхит. В.КН : Руководство по пульмонологии. Л. Медицина, 1988, с 337-364.
 21. Физиологические основы повышения эффективности труда, В.Сб, под. Ред. В.И. Медведева. Л, Наука, 2008, 139 с.
 22. Фролова Т.Л. Особенности измененя гемодинамики области малого таза, спинного и головного мозга у женщин трактористов под влиянием низкочастотной вибрации. В.КН: Вопросы гигиены труда, Саратов, 1995, с 166-169.
 23. Хухрина Г.В., Ткачев В.В, Пневмокониозы и их профилактика. М.Медицина. 1998, 407с.
 24. Braun S.R, de ptva T.S. Tats A etal. Farmers jung disease long term cefntreal ans phystogical outcome Arnet Rev. Res Dis/ 1999, vol 113, p 185-193.
 25. International Association of Agro 270 cultirov Medicin proc vil intern Congress of Rural Medicine Saltlatae citi ulha USA, septembe 17-21? 1978? 428 p.
 26. Wolsop on Occupational helth in Agroculture/ Geneva. 6-12 Nov. 1989, WHO, OVH (80-31 p).

Келиб тушган вақти 10.04. 2020